

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 13 апрель, № 76 (8138) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДАГИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Жорий йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026 йилларда фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид Фармони қабул қилинган эди. Унга кўра, маҳаллий дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш, ички бозорни таъминлаш даражасини натурал ҳажмда 80 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Йиғилишда шу борада бошланган ишлар, тармоқдаги лойиҳалар ҳолати танқидий таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда йилига 1 миллиард 600 миллион долларлик фармацевтика маҳсулотлари истеъмол қилинади. Шундан катта қисми — қарийб 1 миллиард 200 миллион долларлик маҳсулотлар импорт қилинмоқда.

Ҳудудлар кесимида олганда, маҳаллийлаштириш даражаси мутлақо қониқарсиз. Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Фарғона вилоятларида истеъмол қилинадиган дорининг атиги 2 — 5 фоизи маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳиссасига тўғри келади.

Шу боис Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигида лойиҳалар билан ишлаш тизимини янгидан жорий этиш вазифаси қўйилди. Дори воситаларига талабни ўрганиб, уларни маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Хусусан, шу йилнинг ўзида 80 миллион долларлик 34 та лойиҳа режалаштирилган. Мутасаддиларга бу борада тадбиркорларга кўмаклашиб, лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди. Йирик хорижий компаниялар билан музокаралар ўтказиб, уларнинг брендларини жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Инвестициялар лойиҳа маркази томонидан яна 18 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилган. Давлатимиз раҳбари уларни Ҳиндистон, Германия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этиш бўйича тавсиялар берди. Янги лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда айланма маблағлар учун 200 миллион доллар кредит ресурслари жалб қилинадиган бўлди.

Тармоқдаги экспорт масаласи муҳокама қилинар экан, унинг катта қисми Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан бўлаётгани, қолган ҳудудларда бу кўрсаткич анча паст экани кўрсатиб ўтилди. Янги лойиҳалар натижасида фармацевтика маҳсулотлари экспортини кескин ошириш мумкинлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига юртимизда талаб юқори бўлган 120 турдаги дори воситаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан 3 йил муддатга кафолатли харид қилиш бўйича кўрсатма берилди. Бунда, айниқса, онкология, гематология, эндокринология ва вирусли касалликлар учун дорилар нархини арзонлаштириш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунгача дори ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш учун қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган хом ашёлар рўйхати бешта идора томонидан тасдиқланар эди. Эндиликда бу рўйхат учта — Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Божхона қўмитаси ва Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Шунингдек, энди маҳаллий корхоналарнинг "GMP" сертификатини олиш билан боғлиқ харажатлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги томонидан қоплаб берилади. Корхоналарни модернизация қилишни молиялаштириш Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштирокида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят ҳокимларига 80 та туманни доривор ўсимликларни етиштиришга мослаштириб, плантациялар ташкил этиш топширилди.

Бу тажрибани кенгайтиришда кооперация ва оилавий тадбиркорлик учун назарда тутилган барча имтиёз ва молиялаштириш тартиблари татбиқ этилади.

Қайд этилганидек, доривор ўсимликларни қайта ишлайдиган корхоналар 2025 йил 1 январга қадар ускуна ва эҳтиёт қисмлар, хом ашё импортида божхона божидан озод қилинади. Уларга тайёр маҳсулотлар экспорти учун транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисми қоплаб берилади, ҳар 10 гектар плантацияларга сув чиқариш учун 600 минг сўмдан субсидия ажратилади, доривор ўсимликлар плантацияларига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбари доривор ўсимликлар кластерлари ташкил этиш, ҳудудлардаги олий таълим муассасаларида фармацевтика бўйича факультетлар очиш таклифларини қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар, соҳадаги етакчи корхоналар раҳбарлари ва доривор ўсимлик етиштирувчи тадбиркорлар сўзга чиқди. Президентимиз уларнинг таклиф ва ташаббусларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

## БИЗ ва ЖАҲОН

ХОРИЖ МАТБУОТИ:

# Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий стратегияси сўнгги беш йил давомида ШҲТ фаолиятида яққол ўз ифодасини топмоқда

*Хорижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги раислигини кенг ёритмоқда.*

Ўзбекистоннинг энг ўсувчан ва нуфузли халқаро тузилмалардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ)даги раислиги хорижий экспертлар ҳамжамияти ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди. Етакчи нашрлар мамлакатимизнинг 2022 йилда ШҲТга раислигидаги устувор йўналишларни очиб берувчи таҳлилий мақолаларни мунтазам эълон қилаётгани баробарида, Ўзбекистоннинг ташаббуси ва фаол иштироки асосида ўтказилаётган тадбирлар тўғрисидаги хабар-мақолаларни ҳам кенг ёритмоқда.

Уларда етакчи фикр шундан иборат: Ўзбекистон сўнгги йилларда прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бораётгани кузатилмоқда ва бу нафақат минтақада, балки бутун дунёда ҳам янги қирраларни касб этмоқда.

Озарбайжоннинг **"Region Plus"** таҳлилий журналида чоп қилинган "Ўзбекистон — ШҲТ: кўп тармоқли ҳамкорликнинг янги қирралари" сарлавҳали мақолада Ўзбекистоннинг сўнгги беш йил ичидаги янги ташқи сиёсий стратегияси ШҲТ фаолиятида яққол акс этгани урғуланган.

"ШҲТ доирасида республика халқаро майдонда ўз имижини яхшилашга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига мос келадиган, мавжуд кун тартибини бойитишга фаол ҳисса қўшадиган кўплаб ташаббус ва таклифларни илгари сурмоқда", дейилади Озарбайжон нашрида.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон раҳбари ШҲТ саммитларида 50 га яқин муҳим ва долзарб ташаббусларни илгари сурди. "Бу жуда юқори кўрсаткич. Бундан ташқари, таклифлар "йўл хариталари", меъёрий-ҳуқуқий, концептуал ҳужжатлар ва дастурларда, шунингдек, ҳамкорликнинг янги механизми шаклида изчил амалга оширилмоқда", дея таъкидланади журналда.

Индонезиянинг оммабоп **"iNews"** порталида эълон қилинган Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги мавзуига бағишланган мақолада эса Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ташкилот маконида амалга оширилаётган стратегия конструктивлик, прагматизм ва ташаббускорлик каби тамойилларга асослангани қайд этилган.

➡ 2

## Сенат қўмитасида



# УЙ-ЖОЙ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚЛАР ТЎЛДИРИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси экспертлар гуруҳи мажлисида "Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокамадан ўтказилди.*

Бу жараёнда сенаторлар, экспертлар, мутахассислар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссия раислари, Ёшлар парламенти ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

➡ 2

## Олий Мажлис қуйи палатасида

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида депутатлар суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янада такомиллаштириш, электрон ҳужжатлар ва электрон рақамли имзолардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, бир қатор кодексларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.*



# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

### Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасини тартибга солувчи ягона ҳужжат яратилади

Мажлисда дастлаб депутатлар томонидан "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари тизимлаштирилиб, соҳани тартибга солувчи ягона ҳужжат яратилади.

Бундан ташқари, лойиҳадаги нормалар билан вояга етмаган шахсга нисбатан ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги учун профилактик ҳисобга олиш ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ўрнига, унинг жамиятга мослашувини таъминловчи замонавий механизм амалиётга жорий этилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кучаяди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини кўтариш борасида идоралараро комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фаол қатнашганларни рағбатлантириш тартиби ҳам белгилаб берилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинди.

### Ер участкаларини ажратишда шаффофлик таъминланади

"Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш устувор масалалардан саналади.

Таклиф этилаётган ушбу ҳужжат билан 4 та кодекс, 22 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, 10 та қонун ҳужжатидан ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланишга берилиши назарда тутилган қоидалар чиқарилаяпти.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали барча қонун ҳужжатларидаги ерга оид нормаларнинг ўзаро мувофиқлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ягоналиги, энг муҳими, ер участкаларини ажратишда шаффофлик таъминланади.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, ушбу қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

➡ 2

## Учрашув

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси ва Сенати масъул ходимлари билан учрашди.*

Мулоқот аввалида А. Саидов меҳмонларни самимий қутлаб, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ишлар, шунингдек, "Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" тамойили асосида кейинги беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ҳамда "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳақида маълумот берди.

Учрашувда томонлар икки томонлама ҳамкорлик масалалари, Ўзбекистон — Америка парламентлари аъзолари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар. Кейинги йилларда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

➡ 2

## Мулоқот

# МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ҳамда Ички ишлар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.*

Тадбирда Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмуҳаммедова, Ёшлар парламенти аъзолари ва ИИВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, бу меморандум келгусида ёшлар масалалари бўйича олиб борилаётган ислоҳот ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш борасида Ички ишлар вазирлиги ёш ходимлари билан Ёшлар парламенти аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шу йўналишдаги ўзаро режа ва мақсадларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси Моҳистара Муҳаммадюнусова ҳам сўзга чиқиб, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ёш ходимларнинг мамлакат тараққиёти, унинг эртанги куни учун ўз ҳиссаларини қўшишда ушбу меморандум ва қўшма дастурлар муҳим ўрин тутишини айтиб ўтди.

Шунингдек, мулоқот давомида 5 муҳим йўналиш, яъни гендер тенглик ва хотин-қизлар, илм-фан, маданият ва китобхонлик, рақамли технология ва инновациялар, ёшлар ҳуқуқлари ва қонунчилик ҳамда туризм, спорт, соғлом турмуш ва ижтимоий ҳимоя йўналишлари бўйича ҳам йиллик қўшма дастур имзоланди.

**«Халқ сўзи».**

## Аччиқ, аммо очиқ гаплар

***Чирчиқ дарёси азал-азалдан Тошкент вилоятидаги муҳим сув манбаларидан бири саналган. У Тянь-Шань тизма тоғлари бағридан оқиб келувчи жилға ва сойлар ҳамда Писком, Кўксув, Чотқол, Угом дарёларининг мусаффо, шифобахш сувлари билан тўйинади. Нафақат Тошкент вилояти, балки қўшни Жанубий Қозоғистондаги минглаб гектар экинзорларни обиҳаёт билан таъминловчи бу мафтункор дарё қирғоқларида қўним топган ҳайвонот дунёси, сувидаги ноёб балиқлар ва турли жониворлар атроф-муҳит экологик тизимида муҳим ўрин тутади.***



# ДАРЁНИНГ УВОЛИ УРМАСИН!

Аммо, афсуски, бугун бу дарё кўз ўнгимизда ўзининг табиий тароватини йўқотиб боряпти. Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа тегишли ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳолатини таҳлил қилиш жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдик. Зеро, Чирчиқ дарёсининг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, дарё ўзани бўйлаб мавжуд бўлган ер ости бойликларини келажак авлодга зиёнсиз етказиш мажбуриятларига кейинги йилларда қирғоқларда ўрнашиб олган бир қатор тадбиркорлик субъектлари томонидан мутлақо амал қилинмаяпти. Дарё қирғоғидаги корхона ва цехлар баҳорги қўзиқориндек "болалаётгани", устига-устак карьерларда иш кечаю кундуз узлуксиз давом этиши — тонналаб қум-шағал қайта ишланиши туфайли табиий муҳитга жиддий зарар етаётгани негадир тегишли мутасаддиларни ташвишга солаётгани йўқ.

➡ 4

ХОРИЖ МАТБУОТИ:

# Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий стратегияси сўнгги беш йил давомида ШҲТ фаолиятида яққол ўз ифодасини топмоқда

1

**Словакиянинг “Финансовая газета”** нашрида “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти учун янги имкониятлар” сарлавҳаси остида эълон қилинган мақолада Ўзбекистон ҳукумати ШҲТга 2022 йилда раислик қилишга алоҳида аҳамият бераётганига эътибор қаратилган.

Газетада ШҲТга раислик қилиш чоғида Ўзбекистон амалга оширишни режалаштирган ҳаракатлар санаб ўтилар экан, “булар савдо-иқтисодий, сармоявий ва саноат кооперациясини чуқурлаштириш, камбағалликни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат. Шунингдек, ШҲТ салоҳиятидан юқори технологиялар, инновациялар, маданий-гуманитар, соғлиқни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашда кенг фойдаланиш ҳам режалаштирилмоқда”, дея қайд этилади.

Мисрнинг **“Асия ал-Йаум”** ва **“ал-Хабар ал-Йаум”** газеталарида чоп этилган Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотида раислиги мавзуига бағишланган таҳлилий мақолаларда Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги нафақат мазкур ташкилот, балки улкан геосиёсий ва геоиқтисодий макон ривожланишида янги босқич бошланган паллага тўғри келгани алоҳида таъкидланган.

Қайд этилганидек, ШҲТ халқаро муносабатларга ўзаро ишонч, тинч-тотув яшаш, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ривожланиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларини ўзида мужассам этган “Шанхай руҳи”ни олиб кирди.

ШҲТ бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликнинг энг муҳим минтақаси ҳисобланади. Бу минтақа хом ашё, ишлаб чиқариладиган товарлар бозори ва малакали ишчи кучига эгалиги жиҳатидан ўзини ўзи таъминлайди, бу эса унинг салоҳиятли минтақа сифатидаги иқтисодий истиқболидан далолат беради.

Россияда чоп этиладиган **“Независимая газета”**да ёзишларича, Ўзбекистон ШҲТ доирасида ўзининг ҳар бир таклифини батафсил баён қилмоқда: “буни қилмоғимиз лозим — якунда натижага эришамиз”. Ўзбек дипломатияси ниҳоятда ўзига хос хусусиятга эга, у ўзининг афзалликларини ҳаммага тушунтириб бера олди — шунинг учун у бизнинг беқарор давримизда тобора оммалашиб, юқори талабга айланиб бормоқда. Тошкентнинг ШҲТга раислиги эса бунинг тасдиғидир, дейилади мақолада.

Латвиянинг нуфузли **“Freecity”** ахборот порталида қайд этишларича, яқинда Ўзбекистон ШҲТнинг улкан салоҳиятини амалий жиҳатдан муҳим бўлган соҳаларда — транспорт, ўзаро боғлиқлик ва логистика, инновацион ва рақамли ривожланиш, маданий ва халқ дипломатияси соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтириш зарурлигини очиқ-ойдин айтмоқда.

Бу йўналишдаги долзарб ташаббуслардан бири — Ўзбекистон — ШҲТ индустриал зонасини ташкил этишдир. Бу ШҲТга аъзо давлатлар ва хорижий инвесторларнинг қўшма лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради. Жорий йилда режалаштирилган тадбирлар — Иқтисодий форум, Саноат новациялари ҳафталиги, ШҲТ минтақаларининг кичик ва ўрта бизнес форуми, Саноат кооперациясини ривожлантириш форуми, Сайёҳлик форуми, ШҲТ минтақалари раҳбарларининг форуми ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўз навбатида, Хитойнинг етакчи **“Синхуа”** ахборот агентлиги ўз муштарийлари ўртасида Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги тадбирлари доирасида ўтказилган халқаро яриммарафон ҳақидаги ахборотни тарқатди. Агентликнинг хабар беришича, бундай спорт мусобақасини ўтказишдан мақсад ШҲТ доирасидаги маданий-гуманитар алоқаларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Спорт фестивалида ШҲТ оиласи давлатларидан югурувчилар, шунингдек, бошқа мамлакатлардан иштирокчилар қатнашди. Яриммарафон Ўзбекистон раислиги остида 2022 йил сентябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган ШҲТ давлат раҳбарларининг бўлажак саммитига бағишланган қатор тадбирларни бошлаб берди, дейилади материалда.

Умуман олганда, хорижий оммавий ахборот воситаларида таъкидланишича, ШҲТнинг Самарқанддаги саммити ташкилотни янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам сифатида тарихга кирадиган йирик сиёсий ва дипломатик форумга айланиши кутилаётир. Ўзбекистоннинг фаол, очиқ, прагматик ва конструктив ташқи сиёсати эса бўлажак саммит доирасида муҳим қарор ва ҳужжатлар қабул қилиш учун мустаҳкам замин яратади.

**«Дунё» АА.**

# ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

1

2015 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон БМТ саммитида эълон қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларининг миллий даражада бажарилиши бўйича шартларини қабул қилганлиги ва 2018 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилингани таъкидланди.

Қайд этилганидек, ушбу ҳужжат ўзида 16 та мақсад ва 225 та вазифани қамраб олган бўлиб, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Тараққиёт стратегияси билан тўлиқ ҳамоҳангдир. Шу боис унинг асосида парламентни ислоҳ қилиш, аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш, одамлар саломатлигини муҳофазалаш, иқтисодиётни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқида “Бундан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича вазирлар ҳисоботларини эшитишни йўлга қўйиши лозим” дея таъкидлаган эди.

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2020 йил 27 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссиясини тузиш тўғрисида”ги қўшма қарори мамлакатимизда 2030 йилга қадар юқорида келтирилган кенг кўламли мақсадларга ҳамоҳанг эканини тасдиқловчи муҳим ҳужжатлиги қайд этилди.

АҚШ томони Ўзбекистоннинг ташқи олам билан очиқ, дўстона ва ўзаро манфаатли шериклик сари ташлаётган ишончли қадамларига юқори баҳо берди.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг долзарб масалалари бўйича мунтазам алоқаларни ривожлантиришга келишиб олдилар.

**«Халқ сўзи».**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

1

## Фирибгарлик учун жазо кучайтириладими?

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан ахборот-коммуникация тизимлари орқали ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ ўғрилик жиноятларига қўл урганларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилмоқда. Яъни ахборот технологияларидан ёки электрон тўлов воситаси ёхуд масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жинояти учун жавобгарликни Жиноят кодекси 168-моддасининг учинчи қисмига оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритиш назарда тутиляпти.

Шунингдек, ахборот тизимига рухсатсиз кириб ёки электрон тўлов воситаси ёхуд масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан фойдаланиб содир этилган ўғрилик жинояти учун жавобгарликни Жиноят кодекси 169-моддасининг учинчи қисмига оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритиш белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон пул маблағларини яширин равишда талон-торож қилишнинг олдини олишга, ушбу турдаги жиноятларни квалификациялашда аниқ норма белгиланишига хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Электрон далиллардан фойдаланишнинг тартиби белгиланади

Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан процессуал кодексларни такомиллаштириш, суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида Жиноят-процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекс, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ҳамда “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Яъни жиноий, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнида электрон далиллардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси ва тартиби белгиланаётир.

Хусусан, лойиҳа билан Жиноят-процессуал кодексига электрон далиллардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари киритилмоқда. Унда электрон далилларга қандай ҳужжатлар, маълумотлар киритилиши назарда тутилмоқда. Яъни овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат маълумотлар электрон далиллар ҳисобланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, процессуал қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф қилишга, янги институтларни жорий этишга, одил судлов сифатини оширишга, суд иш юритувини такомиллаштиришга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Айрим камчилик ва бўшлиқлар бартараф этилади

Халқ вакиллари “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида электрон ҳужжатлар ва электрон рақамли имзолар (ЭРИ)дан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда баъзи камчилик ва бўшлиқларни бартараф этишга йўл очади. Амалдаги электрон ҳужжатлар ва электрон имзолардан фойдаланиш амалиётини сақлаб қолган ҳолда қўшимча қулайликлар яратишга имконият туғдиради.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасига “вақт штампи” таърифи киритилиб, унда ЭРИ билан имзоланган, имзоланаётган ахборотга бевосита алоқадор ва имзоланаётган ҳужжатнинг кўрсатилган вақтда мавжудлигини тасдиқловчи электрон ҳужжат шакли эканлиги белгиланган.

Қонун лойиҳасига “ишончли учинчи томон” тушунчаси ҳам киритилган. Унинг ёрдамида Ўзбекистон Республикасида хорижий ЭРИни тан олиш ва Ўзбекистон электрон рақамли имзоларини чет элда тан олиш функциялари бажарилиши кўзда тутилган. Бундай хизматнинг йўқлиги бошқа давлатлар билан трансчегаравий ўзаро ҳамкорликда ЭРИдан фойдаланиш кўламини чеклаши мумкин.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши электрон ўзаро ҳамкорлик иштирокчиларига қулайлик яратиш билан бирга, ЭРИдан фойдаланишда юзага келадиган тўсиқларнинг олдини олади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизғин муҳокамадан ўтказилиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига имтиёзлар берилади

Олий Мажлис қуйи палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 473-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2021 йил 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 14 сентябрдаги тегишли қарорига асосан ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилган.

Юқоридаги қарор ҳамда 100 дан ортиқ эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари мурожаатларига мувофиқ, ишлаб чиқилган мазкур лойиҳага қўшни ва хорижий давлатлар тажрибаси ҳам сингдирилади.

Мажлисда айтиб ўтилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари тасарруфида қўшимча маблағлар сақлаб қолинади. Энг муҳими, тадбиркорларда мазкур маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, мавжуд ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга йўналтириш имкони пайдо бўлади.

Қизғин савол-жавоб ва давомли тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# УЙ-ЖОЙ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚЛАР ТЎЛДИРИЛМОҚДА

1

Экспертларнинг таъкидлашича, сўнгги беш йилда 37 мингдан ортиқ кўп квартирали уйлардан фойдаланишнинг техник хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини ўрганиш жараёнида 61 мингдан зиёд ҳолатда кўчмас мулк эгалари томонидан уй-жой фонди ва унга туташ ҳудудларда ўзбошимчалик билан қурилмалар барпо қилингани аниқланган. Бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан мажбурий кўрсатмалар берилган.

Бироқ ноқонуний қурилмаларни мажбурий тартибда бузишга оид судларга ариза беришда олдиндан давлат божи тўловини амалга ошириш белгиланганини туфайли бу мазмундаги материалларни судларга тақдим этишда қатор қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Қайд қилинганидек, амалдаги қонунчиликда уй-жой мулкдорлари ширкатлари кўп квартирали уйга туташ ер участкасини ободонлаштириш бўйича ҳамда аҳолига бошқа хизматлар кўрсатилган ва ишлар бажарилган тақдирда хизматлар кўрсатиш учун тегишли солиқ тўловларидан озод этилган. Аммо ана шу имтиёз бошқарув ташкилотлари фаолиятига нисбатан татбиқ қилинмаётгани турли келишмовчиликларни юзага келтириб чиқараётир.

Миллий қонунчилигимиздаги шу каби ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида ишлаб чиқилган ва муҳокамадаги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Солиқ кодексига ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.



Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп квартирали уйларни сақлаш ва улардан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, кўп квартирали уйлардаги муҳандислик-техник коммуникациялар ва уйнинг конструктив таянч қисмларининг зилзилага бардошлигини сақлаб қолиш ҳамда аҳолининг хавфсиз яшашига хизмат қилади.

Қолаверса, қонунчиликка киритилаётган ўзгартишлар бошқарув органлари молиявий барқарорлигини таъминлаш, кўп квартирали уйларни бошқариш тизимида рақобат муҳитини яратиш, аҳолига сифатли сервис хизматлари кўрсатишнинг янги шаклларини амалиётга татбиқ қилиш, уй-жой фондларини сақлаш борасида кўчмас мулк эгалари томонидан билдирилаётган кўплаб эътирозларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Мажлис якунида экспертларнинг қонун бўйича тавсиялари тайёрланиб, Сенат қўмитасига тақдим қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ БЎЙИЧА ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШГА МАСЪУЛМИЗ

*Ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламга ўгай кўз билан қараш уларни қийнаб турган муаммоларни ҳал қилмайди. Аксинча, бундай муносабат вазиятни борган сари чигаллаштиради.*

*Президентимиз пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 102-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ташрифи давомида бу масалага батафсил тўхталиб, айрим воқеаларни эслади, ҳолатга реал қараб, муҳим вазифаларни белгилаб берди.*

## Муносабат

Давлатимиз раҳбари ижтимоий ҳимояга, ўзгалар кўмагига муҳтож бўлган шахсларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш ҳақида гапирар экан, Қуръони каримнинг “Раҳмон” сурасидаги “Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир”, деган оятни эслатиб ўтди.

Йиғилишда ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг қатъий йўналиши кўрсатиб берилди. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлидаги ислоҳотлар эҳтиёжманд қатлам вакиллари билан боғлиқ муаммоларга кўз юмиш эмас, аксинча, вазиятга реал қараб, уларни босқичма-босқич ҳал қилиш, айни пайтда, бундай қатлам вакилларини ҳаётдан узоқлаштирмасдан, жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришга йўналтирилгани уқтирилди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 700 мингга яқин ногиронлиги бўлган шахслар, хусусан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача бўлган имконияти чекланган болалар мавжуд. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бу ҳақда гап кетганда, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги янги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур қонун билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси, улар учун қўшимча кафолатлар, таълим олиши, меҳнат муҳофазаси, ногиронлиги бўлган фарзанди бор ота ёки онага солиқ имтиёзлари каби тартиб-таомиллар мустаҳкамлаб қўйилди.

Эътиборлиси, ушбу қонун ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Қонун ижросини таъминлаш йўлида ўтган даврда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, қонун талабига кўра, таълимнинг барча босқичида тегишли шароит яратилди, маҳаллий ҳокимликлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг уй-жой шароитини яхшилашга масъул бўлди.

Бир пайтлар Саховат, Меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар назардан узоқроқ тутилган бўлса, кейинги йилларда бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш мутасадди раҳбарларнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Яъни давлатнинг сиёсати, раҳбарларнинг муносабати бутунлай ўзгарди.

Хусусан, ўтган йили 25 мартда қабул қилинган Президент Фармони билан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Саховат ва Мурувват интернат уйларини яхшилаш чоралари кўрилди.

Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, Саховат ва Мурувват уйлари, фахрийлар санаторий ва пансионатлари, бошқа қатор тиббий-ижтимоий муассасалар унинг тасарруфига ўтказилди. Мазкур интернат-уйларда яшовчи 9 минг 400 нафар кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда 18 минг нафар ёлғиз фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бундан ташқари, “Замин” жамғармаси билан ҳамкорликда заиф эшитувчи минглаб болалар рақамли эшитиш мосламалари билан таъминланди, ўндан ортиқ кўзи ожизларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ёрдамчи товуш-нутқ воситалари билан жиҳозланди. Ногиронлиги бўлган минглаб болалар протез-ортопедия мосламалари, пультли аравачалар билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур соҳада қилиниши керак бўлган ишларни бирма-бир кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси эҳтиёжманд қатламнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича кейинги йилларда улкан ислоҳотлар амалга оширилаётгани, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун катта ресурс ва имкониятлар сафарбар этилаётганини қўллаб-қувватлайди.

Партиямизнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари, парламент қуйи палатасидаги фракцияси мазкур йўналишда қабул қилинган қонун, қарор ва фармонлар ижроси бўйича депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга ўзини масъул, деб билади.

Депутатлар ҳамда партия фаоллари жойларга чиққан ҳолда назорат-таҳлил тадбирлари олиб боряпти, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссия ва сессияларида мутасадди ташкилотларнинг ахборотлари эшитиляпти. Аммо, тан олиш керак, бу борадаги фаолиятимизда изчиллик етишмаяпти. Барча депутатлик бирлашмаларимиз бундан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, партиямиз электорати манфаатлари ҳимояси йўлида қатъий позиция кўрсатиши талаб этилади.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,**
**ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

## Ўрганиш

# ҲАР БИР ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Олий Мажлис Сенати томонидан парламент сўровлари юбориш ва ҳар бирини назоратга олиш яхши йўлга қўйилган. Натижада ушбу сўровларда кўтарилган масалаларнинг аксарияти ҳал бўлмоқда. Буни яқинда парламент юқори палатасининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси томонидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган Енгил саноат ва чарм саноати корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳолати хусусидаги парламент сўрови мисолида ҳам кўриш мумкин.*

Жорий йил 6-7 апрель кунлари Сенат қўмитаси раиси М. Қодирхонова ва сенатор Г. Маруфова парламент сўрови натижалари бўйича ўрганишлар олиб борди. Аниқроқ айтганда, сенаторлар “Ўзчармсаноат” уюшмаси ва унга аъзо корхоналарнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини жойига чиққан ҳолда ўрганишди.

Айни жараёнда парламент сўровида белгиланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳамда ҳудудлар кесимида амалга оширилган ишлар ва хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар атрофлича таҳлил қилинди. Шу мақсадда корхоналар раҳбарлари ва ишчилар билан суҳбатлар ўтказилди.

Ўрганишлар давомида юртдошларимизнинг соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ таклифлари олинди.

# ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов Қашқадарё вилоятида бўлиб, хорижий инвестициялар иштирокида рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар билан яқиндан танишди.*

Шу муносабат билан вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар қандай амалга оширилаётгани ҳамда тузилган экспорт шартномалари ижроси атрофлича муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, сенатор ҳудуддаги тўқимачилик, сертификатлаш хизматлари, пойабзал, сувни тежайдиган ускуналар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарда бўлиб, маҳсулотларнинг сифати ва ишчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўздан кечирди.

Ўрганиш жараёнида вақтида амалга ошмаётган инвестиция лойиҳалари, инвесторлар ва экспорт қилувчи корхоналарнинг мавжуд муаммоларини ҳал этиш учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги масаласи ҳам таҳлилдан ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

# ННТ ва ижтимоий шериклик

*Олий Мажлис Сенатида “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ҳуқуқий ёрдам олишини таъминлашда ННТнинг роли” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## Давра суҳбати

Унда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзолари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, USAIDнинг Ҳуқуқий ислоҳотлар дастури (LRP), нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

“Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ва Андижон ҳамда Хоразм вилоятларида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун юридик хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш” лойиҳаси доирасида ўтказилган давра суҳбати аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун юридик хизматдан фойдаланиш имкониятини таъминлашда ННТ ва ижтимоий шерикликнинг ўрни муҳокамасига бағишланди.

Бу лойиҳа Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ҳамда Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази (ФТҚМ) томонидан АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги (USAID)нинг Ҳуқуқий ислоҳотлар дастури кўмагида амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилгандан сўнг аҳолини ўз ҳуқуқлари тўғрисида хабардор этиш, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланишини таъминлаш мумкин бўлади.

Якунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг ҳуқуқий ёрдам олиш имкониятини тўлиқ таъминлаш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган махсус лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# МАБЛАҒЛАРНИ ОНЛАЙН РЕЖИМДА ЎҒРИЛАШ ЖИНОЯТИ НЕГА КЎПАЙМОҚДА?

*Жамиятда фуқароларнинг пластик карталари ва банк ҳисобларидан алдов-фирибгарлик йўли билан ахборот тизими, жумладан, ахборот технологияларидан фойдаланиб ёки тизимга рухсатсиз кириш, ундан фойдаланиш орқали маблағларини ечиб олиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.*

## Фикр

Бу жиноятларнинг турлари кўп бўлиб, фуқаролардан тегишли органларга, депутатларга ҳам кўп мурожаатлар бўляпти. Масалан, ижтимоий тармоқлар орқали бирор буюм, маҳсулот рекламаси, ҳаволаси эълон қилиниб, пул ўтказилгандан кейин етказиб бериш ваъда қилинган ҳолда, товар етказиб берилмаслиги, кимгадир моддий ёрдам учун пластик карта қўйиш орқали пул йиғиб олиш турлари кўпайган.

Шунингдек, кўп вазиятларда фуқароларнинг ишончига кириб, телефон рақамларига келган SMS-коди, верификация кодини сўраш орқали уларнинг пластик карталаридан маблағ ечиб олиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Хусусан, телеграм гуруҳга одам қўшганлиги учун маблағ ўтказиб бериш ваъда қилиниши билан бирга, телефон рақам ва SMS-кодни сўраб олиб, маблағларни онлайн режимда ўғрилаш жинояти ҳам мавжуд. Бундай жиноятлар SMS-код орқали бошқа мамлакатдан туриб амалга оширилиши мумкин.

Баъзан фирибгарлар “Оператор қўнғироғи”, “Мессенжер орқали қўнғироқ”, “Банкдан карта блокировкаси ҳақида мобиль оператор хабари” каби сохта хабарлар схемаси орқали фирибгарлик операцияларини амалга оширмоқда. Бундай фирибгарликлар, ўғриликлар бугун оммалашиб, ижтимоий хавфи ҳам ошиб бормоқда.

Шу боис бугун ҳаётнинг ўзи қонунчилигимизда фирибгарликнинг бундай турларини назарда тутишни тақозо этмоқда. Демак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиб, бундай жиноятлар учун жавобгарлик белгиланиши давр талабидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси билан ахборот-коммуникация тизимлари орқали ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ ўғрилик жиноятларини содир этганларга нисбатан жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Шу нуқтаи назардан айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамиятда ижтимоий хавфи ошиб бораётган янги турдаги фирибгарлик ва ўғрилик жиноятларининг олдини олиш билан бирга, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

**Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ИФТОРЛИК — САВОБИ УЛУҒ АМАЛ, АММО ДАБДАБАБОЗЛИК ЭМАС

*Муборак Рамазон ойи ўзининг шукуҳ ва файзи билан давом этмоқда. Имон-эътиқодли ҳар бир юртдошимиз тилу дилида шукроналик билан ушбу табаррук ойнинг савоби самарасидан баҳраманд бўлишга бел боғлаган.*

## Мушоҳада



Рамазон ойини Аллоҳ уммати муҳаммадия учун алоҳида баракотли, фазилатли қилиб қўйган. Рамазоннинг хусусияти, фазилати, баракаси жуда ҳам кўп ва беқиёс. Аввало, Рамазон Қуръон ойи дейилади. Чунки Қуръони карим шу ойда нозил бўлган. Хатми Қуръон ва таровеҳлар адо этиладиган, жину шайтонларнинг энг ёмонлари занжирбанд қилинадиган, раҳмат, мағфират, дуолар қабул бўладиган, хайр-саховат амаллари бажариладиган ва кўплаб фазилатлар ойи эканлиги ояти карима ҳамда ҳадиси шарифларда баён қилинган.

Мана шу улуғ айём кунлари ўзини мусулмонман деган киши борки, инсонпарварлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб туйғуларга асосланган ислом дини мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қўни-қўшни, маҳалладошлари ҳолидан хабар олишга, эҳтиёжмандларга мурувват қўлини чўзишга, бир-бирига ўзаро меҳр-оқибат кўрсатишга ошиқмоқда.

Бу ой рўза тутиш билан бир қаторда, бағрикенглик, бирдамлик, тинчлик-осойишталикка сабаб бўлувчи меҳр-мурувват ойи ҳамдир. Имом Термизий ривоятида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни бу ойда меҳр-мурувват кўрсатишга чорлаб: “*Эҳсонларнинг афзали Рамазон ойида қилинганидир*”, дея марҳамат этганлари келтирилган.

Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан ривоят ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жумладан бундай дедилар: “*Бу ойда мўминнинг ризқи зиёда бўлади. Кимки у ойда бирорта рўзадорга ифторлик қилиб берса, унинг гуноҳлари кечирилади ва дўзахдан озод бўлади. Шунингдек, унга ҳам рўзадорнинг савобидан ҳеч қанча кам бўлмаган савоб берилади*”. Шунда биз: “Эй, Расулуллоҳ! Биз ҳаммамиз ҳам рўзадорга ифторлик қилиб бера олмаймиз-ку”, дедик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “*Аллоҳ таоло бу савобни рўзадорга бир қултум сут ёки битта хурмо ёки бўлмаса бир ҳўплам сув билан ифторлик қилиб берган кишига беради. Кимки рўзадорнинг қорнини тўйғазса, Аллоҳ қиёматда унга ҳавзи кавсаридан бир қултум сув ичиради, натижада у то жаннатга киргунича чанқамайди. Рамазон — аввали раҳмат, ўртаси мағфират, охири дўзахдан озод бўлиш ойидир*”, дедилар”.

Демак, кимки бирорта рўзадорга ифторлик қилиб берса, унинг гуноҳлари кечирилар экан ва ўзига ҳам рўзадорники билан тенг савоб ёзилар экан. Бу ривоятдан бохабар юртдошларимиз муборак ойда имкон қадар рўзадорларга ифторлик беришга ҳаракат қилади.

Астойдил, холис савоб учун қилинган бағрикенглик, саховатпешалик чиндан-да эътирофга лойиқ. Атрофдагиларга кўз-кўзлаш, ўзини кўрсатиш, шунинг кетидан қандайдир манфаатга эришиш мақсадида қилинган саховат эса кибр ва манманлик белгисидир. Афсуски, моҳи Рамазонда амалга оширилаётган айрим тадбирларда ана шу иллат кўриниб қолаётир.

Юқорида зикр этганимиз ҳадиси шарифда рўзадорга ифтор қилиб беришнинг савоби айтилиши билан бир қаторда, бунга моддий имконияти бўлмаганларга Аллоҳ таоло бу савобни рўзадорга бир қултум сут ёки битта хурмо ёки бўлмаса бир ҳўплам сув билан ифторлик қилиб берган кишига ҳам берилиши айтиб ўтилган.

Таассуфки, ифторлик беришда ҳам кимўзарга тушмоқдамиз. Қолаверса, бугун бу эҳсон тадбирини уйида эмас, ресторанларда катта жамоатни йиғиб, ўта дабдабали дастурхон асосида ўтказиш ҳам тобора урф бўлиб бормоқда. Ўзи истиқомат қиладиган хонадонга яқинлари, қўни-қўшнилар ва муҳтож кишиларни таклиф этиб, камтарона қилинган ифторлик ҳар томонлама мақбулдир. Унда силаи раҳм, қўшнилик ҳаққи ва муҳтожларга кўмак ҳосил бўлади, риё, манманлик ва исрофдан узоқлашилади. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

**“Еб-ичинг ва исроф қилманг. Чунки У зот исроф қилувчиларни севмас”** *(Аъроф сураси, 31-оят).*

Яна бир мулоҳаза. Аслида ифторлик фақат тўп-тўп одам чақириб, зиёфат бериш эмас, балки муҳтож инсонларга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиб бериш, даволанишга имконияти йўқ беморларга дори-дармон улашиш, эҳтиёжлари учун уларнинг қўлига, озми-кўпми, маблағ бериш ҳам ифторликдир.

Бу табаррук ойнинг моҳияти-қимматини англаб, ўтказаётган тадбирларимиз, бажараётган амалларимизда, аввало, Яратган розилигини мақсад қилсаккина, муродга етишган бўламиз. Аллоҳ таоло ато этган барча неъматлар учун шукрона айтиб, бир-биримизга фақат ва фақат яхшиликни илинсак, эзгу амаллар йўлида саъй-ҳаракат қилсаккина, ҳар бир куни йилларга тенг бебаҳо ойнинг савобига эришишимиз мумкин, инша Аллоҳ.

**Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Самарқанд вилояти вакили.**

## Изланиш

# КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИДА БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИ БЎЙИЧА ИННОВАЦИЯ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

*Фарғона вилоятининг балиқчилик энг ривожланган ҳудуди — Бешариқ туманидаги 2-сонли касб-ҳунар мактабида балиқчилик тармоғини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш мақсадида инновация маркази ташкил этилди. Шу тариқа марказда ўқув ва амалиёт хоналари, лаборатория, садок усулида балиқ боқиш ҳовузларида соҳага оид билимларни амалиёт билан ўзаро уйғунлаштириш имконияти яратилди.*



— 2022 йилда оқ амур, лаққа, Африка лаққаси каби турларни интенсив технологиялар ёрдамида парваришлаш орқали 14 тонна сифатли балиқ маҳсулотлари етиштириш, ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига 100 минг дона чавоқ етказиб бериш режалаштирилмоқда, — дейди касб-ҳунар мактаби директори Алишер Сотволдиев. — Айни пайтда билим даргоҳида ўз фаолиятини бошлаган балиқчилик йўналишида 62 нафар йигит-қиз таълим олмоқда.

Марказда бир қатор туманларнинг балиқчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ва аҳоли хонадонларига интенсив усулда балиқ боқиш ҳовузлари, омихта ем, автоматик озиқлантириш, ҳаво ва сув тозалайдиган жиҳозларни етказиб бериш борасида ўзаро шартномалар имзоланди. Бундай маҳсулот ва жиҳозлар ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан касб-ҳунар мактаби устахоналарида тайёрланиб, арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Бугунгача 20 дан ортиқ хонадонларга садок усулида балиқ боқиш ҳовузлари тайёрлаб берилди. Ҳозирда касб-ҳунар мактабида энергия тежамкор технологиялар яратиш устида ҳам илмий изланишлар олиб бориляпти.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Терапия факультети:**
- Неврология кафедраси доценти;
- Дерматовенерология ва косметология кафедраси доценти;
- Психиатрия ва психотерапия кафедраси мудири;
- Гематология ва трансфузиология кафедраси мудири;
- Гастроэнтерология ва физиотерапия кафедраси мудири.

**Педиатрия факультети:**
- Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси ассистенти;
- Клиник фармакология курси ассистенти;
- Болалар асаб касалликлари кафедраси доценти;
- 2-Акушерлик ва гинекология кафедраси профессори.

**Тиббий профилактика факультети:**
- Юқумли касалликлар кафедраси ассистенти;
- Микробиология, иммунология ва молекуляр генетика асослари билан кафедраси доценти, ассистенти;
- Клиник лаборатор диагностика кафедраси ассистенти; стажер ўқитувчиси.

**Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети:**
- Нейрохирургия кафедраси доценти;
- Оилавий тиббиёт кафедраси ассистенти;
- Патанатомия ва суд-тиббий экспертизаси кафедраси ассистенти;
- Ҳарбий тиббий экспертиза асослари ва ўсмирлар тиббиёти кафедраси ассистенти.

**Хирургия факультети:**
- Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси доценти, ассистенти;
- 1-Стоматология кафедраси ассистенти;
- 1-Хирургия кафедраси доценти, ассистенти.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон: 71-267-60-74.**

# ДАРЁНИНГ УВОЛИ УРМАСИН!



← 1

Бу хусусда қайси тадбиркор билан гаплашманг, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаётганини, вилоят ғазнасига маблағ тушираётганини пеш қилади. Бироқ биз фақат бугунги кунимиз билан яшашимиз керак эмаслиги ҳақида ҳеч ким бош қотирмаяпти. Ваҳоланки, табиий ресурслардан жиловсиз фойдаланишнинг оқибатларини биз Орол денгизи мисолида кўриб турибмиз.

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 8 февраль куни ўтказган видеоселектор йиғилишида Чирчиқ дарёси ўзанида қум-шағал олиш ишлари назоратсиз, палапартиш олиб борилаётгани оқибатида ер ости чучук сувларининг захираси 30 метргача пасайиб кетганини афсус билан таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Аслида, Чирчиқ дарёси билан боғлиқ бугунги муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш йўлларини давлатимиз раҳбари бундан тўрт йил олдин белгилаб берган эди. 2018 йилнинг 9 июлида қабул қилинган “Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор Чирчиқ дарёсидаги табиий бойликларни сақлаб қолган ҳолда келажак авлодга беталафот тақдим этишни назарда тутади.

Ушбу қарор мамлакатимизда сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, дарёлар, сойлар, жилғалар ва кўллар муҳофаза ҳудуди ҳамда ўзанларини тозалашга, шунингдек, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилувчи қурилиш индустриясини ривожлантиришга, одамларнинг уй-жой шароитини яхшилашда зарурий хом ашё саналган, ички бозорда талаб юқори бўлган қум-шағални арзон нархларда етказиб беришни барқарорлаштиришга йўналтирилган.

Амалда эса ижро масъулияти юклатилган вазирлик, тегишли ташкилот ва идоралар, ҳокимликлар бу ишларни амалга оширишда эътиборсизликка йўл қўйишяпти. Чунки дарё ўзани бўйлаб тартибсиз кавлаб олинаётган қум-шағалнинг ички бозордаги нархи ошса ошдики, арзонлашмади. Агар тегишли қонун ва қарорларга амал қилинганида эди, Чирчиқ дарёси ўзанини тозалашда фаол тадбиркорлик фаолияти тўғри йўлга қўйилиб, давлат-хусусий шериклиги янада ривожланган, қонун талаблари ижроси тўлиқ таъминланган бўларди.

Президентимизнинг юқорида келтирилган қарори ижросини ўрганиш жараёнида Чирчиқ дарёси ўзанида содир этилаётган тартибсизликлар, амалдаги қонун-қоидаларга беписандлик кўлами катталигидан ҳайратга тушдик.

Сирасини айтганда, ушбу қарорга асосан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузурида дарёлар ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш бўйича буюртмачи сифатида ташкил этилган “Хавфсиз дарё” давлат унитар корхонаси ўз вазифасини рисоладагидек уддалай олаётганига ишониш қийин.

Қарорда белгиланганидек, “Хавфсиз дарё” ДУКнинг асосий вазифаларидан бири дарё ўзанларини тозалашда қум-шағал қазиб олиш учун тегишли лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, улар бўйича экологик экспертиза хулосаларини олиш, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ходимлари билан биргаликда жойларга чиққан ҳолда дарёлар ўзанларини тозалаш ишлари олиб борилаётган участкаларни муттасил назорат қилишдан иборат. Афсуски, ушбу муҳим ҳужжатнинг сиёҳи қуриб улгурмасиданоқ ундаги долзарб вазифалар ижроси ҳам унутилди.

Биздаги маълумотларга кўра, Тошкент вилоятидаги мавжуд 64 та қум-шағал карьерининг 42 таси айнан Чирчиқ дарёси ўзанида жойлашган. “Хавфсиз дарё” ДУК вилоятдаги 92 та ҳудудий дарё ва сойларнинг ўзанларини тўғрилаш, қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ортиқча қум-шағални олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли субъектлар билан шартномалар имзолаган бўлса-да, амалда мақсад — дарё ўзанидан қум-шағал кавлаб олиш бўлиб қолаётир. Қолаверса, “Хавфсиз дарё” ДУК билан тадбиркорлар ўртасида тузилган шартномаларда қайд этилмаган ҳудудларда ҳам ноқонуний қазиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қум-шағал қазиб олиш жараёнида дарё ва сойларда ўзан тозалаш, топографик, гидрологик ва гидрогеологик лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш, табиий ландшафт ва рельефнинг бузилишига йўл қўймаслик, қирғоқ эрозиясининг олдини олиш ишларини амалга ошириш бўйича лойиҳавий ечимлар ишлаб чиқилмаган. Бу бевосита “Хавфсиз дарё” ДУК томонидан тегишли назорат ишлари қатъий йўлга қўйилмаганини кўрсатади. Акс ҳолда Чирчиқ дарёси ўзанидаги карьерларда қум-шағал кавлаб олишда кимўзарга баҳслашаётган “уддабуронлар” дарё бағрига чанг солиб, тузалмас жароҳатлар қолдирмаган бўларди.

Маҳаллий аҳолининг таъкидлашича, маиший чиқинди, ахлат юкланган машиналар назоратсиз қирғоқларга эмин-эркин кириб, дарё ўзанининг исталган жойига юкини ағдариб кетмоқда. Бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Кўплаб ҳудудларда қирғоқ бўйида жойлашган корхона ва тадбиркорлик субъектлари инсон саломатлигига хавф солувчи чиқиндиларни оқова сув сифатида дарёга бемалол ташлаб қўйган. Дарё бўйлаб қум-шағал саноат усулида қазиб олиниши натижасида ўзанлар белгиланган чуқурликдан анча пастлаб кетмоқда, табиий ҳудуди кун сайин кенгайиб бормоқда. Алалоқибат, ер ости чучук сувларининг ифлосланиш даражаси ҳам муттасил ошиб, сув сатҳи кескин пасаймоқда.

— Тошкент вилоятидаги пахта, ғалла, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари экин майдонларининг 70 фоиздан ошиғида ҳамда аҳоли томорқаларида айнан Чирчиқ дарёси сувидан фойдаланилади. Қолаверса, дарё ўзани бўйлаб жойлашган юзлаб қишлоқлар аҳолиси дарёдаги чучук сув манбаини истеъмол қилади, — дейди Тошкент табиатни муҳофаза қилиш прокурори Фаррух Бобораҳимов. — Афсуски, бугунги кунда дарё суви истеъмолга яроқсиз ҳолга келган. Чунки вилоятда фаолият юритаётган 176 та тош майдалаш корхонасининг 106 таси дарё ва сойларнинг муҳофаза қилиш минтақаларида жойлашган. Улардан чиқаётган оқова сувлар эса тўғридан-тўғри, тиндирилмасдан дарёга оқизилмоқда. Натижада дарё сувининг нефть маҳсулотлари, темир ва муаллақ моддалар билан ифлосланиш даражаси ортиб бормоқда. “Ўзгидромет” маркази маълумотига кўра, Чирчиқ дарёсининг бошланиш қисми — Чорвоқ сув омбори атрофидаги сув таркибида темир моддаси белгиланган меъёрлардан 1,2 марта, муаллақ моддалар эса 8,8 марта ортиқчалиги аниқланган.

Амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга кўра, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари дарё сувидан ўз эҳтиёжи учун оқилона фойдаланиши, уни ифлосланишдан сақлаши, сув сатҳининг камайиб кетишига йўл қўймаслиги, йилдан-йилга йиғилиб бораётган муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиши зарур. Мутасадди ташкилот ва идораларнинг дарё ўзанида муттасил назорат ўрнатмагани, мавжуд қонунбузарликларнинг олди олинмагани ва тегишли қатъий чора-тадбирлар кўрилмагани туфайли дарёдаги тоза сув таркиби яроқсиз ҳолга келган. Хусусан, Тошкент вилояти “Сувоқова” ДУК таркибига кирувчи 4 та сув тозалаш иншооти ҳам Чирчиқ дарёсига иккиламчи сувини ташлайди. Иншоотларнинг ишлаш самарадорлиги ўта пастлиги боис тўлиқ тозаланмаган сув дарёни муттасил ифлослантириб келмоқда.

Дарё сувидан олинган таҳлилларга кўра, тегишли меъёрдан азот аммоний — 7,8, азот нитрит — 12,4, темир моддаси — 2,6, биологик моддалар — 1,2, кимёвий моддалар — 2,1, муаллақ моддалар эса 8,7 маротаба ортиқча эканлиги маълум бўлган.

Ўтган даврда Тошкент вилояти прокуратураси томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида Чирчиқ дарёсини оқова сувлар билан ифлослантираётган 26 та ҳолат аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган. Афсуски, қўлланилган таъсир чораларига қарамай, бундай ҳолатлар давом этаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 декабрдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Низом бандларида кўзда тутилган талаблар бажарилмаяпти.

Дарё ўзани бўйлаб, қишлоқлар оралаб Бўстонлиқ, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Янгийўл ва Чиноз туманлари аҳолиси билан суҳбатлашдик.

— Узоқ йиллардан буён шу ерда истиқомат қиламан, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги “Марказий” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи меҳнат фахрийси Чирчиқбой Жиянов. — Дарёга қараб юрагим увушади: ахир у бир пайтлар тўлқинланиб, қирғоғига бош урмасмиди? Афсуски, дарё бўйлаб тош майдалаш цехлари ишга туширилиб, қум-шағал тартибсиз кавлаб олиниши натижасида Чирчиқ суви йилдан-йилга қирғоғидан чекинаётир. 50 — 60 метр, айрим ҳудудларда 100 метргача узоқлашиб кетган. Сув сатҳи ҳам кескин камайиб, ўзанлар ўз йўналишини йўқотди.

— Дарё ўзанига чиқинди ва ахлат тўкилиши одат тусига кирган, буни назорат қиладиган ташкилотнинг ўзи йўқ, — дейди шу маҳаллада яшовчи Исмат Байменов. — “Тоза ҳудуд” деймиз, лекин қани ўша ташкилот? Маҳалламиз аҳли чиқиндиларни қаерга ташлашни билмай сарсон! Ер ости чучук сувларининг пастлаб кетиши натижасида маҳаллалардаги қудуқлардан ичимлик суви чиқмай қўйди. Ички ариқлар ҳам қуриб битмоқда.

— Қишлоғимиз атрофида 8 та тош майдалаш цехи қурилган, — дейди Янгийўл туманидаги “Қўшёғоч” МФЙда яшовчи Надежда Кухилова. — Кўчамиздан эртаю кеч 40 тонналик баҳайбат юк машиналари ўтавериб, ҳамма жойни ўйдим-чуқур қилиб юборди. Куз-қишда лой кечамиз, ёзда чанг-тўзондан кўз очолмаймиз. Бу ҳам камлик қилганидек, карьерларнинг шовқин-сурони кечаю кундуз тинмайди. Маҳалла раисига, туман ҳокимига қатнайвериб чарчадик. Улар эса ваъда беришдан нарига ўтишмайди.

Дарё ўзани бўйлаб Қуйи Чирчиқ ва Чиноз туманлари ҳудудига кириб борган сари ҳолат янада аянчли тус ола бошлайди. Муҳофаза ҳудудидаги тартибсиз “кавла-кавла”лар натижасида ўпирилиб тушган қирғоқ, пайҳон қилинган табиат, дарё ўртасигача кириб келган тош майдалаш цехлари, исталган жойга ағдариб кетилган ахлат ва маиший чиқиндилар — буларнинг барчаси одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Дарё атрофидаги қишлоқлар аҳолиси саломатлигига цехларнинг шовқин-сурони ва чанги жиддий зарар етказаётгани бўйича ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари жиддий таъсир чоралари кўрмаяпти. Нега?

Биз бу саволга жавоб излаб Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси масъулларига қайта-қайта мурожаат қилсакда, орадан бир ойга яқин вақт ўтишига қарамай, Чирчиқ дарёси тақдирига, унинг табиий бойликлари муҳофазасига бевосита жавобгар бўлган бу ташкилотдан на тайинли жавоб, на бир энлик маълумотнома олдик. Мутасаддиларнинг мана шундай лоқайдлиги туфайли Чирчиқ дарёси бугун ҳалокат ёқасига келиб қолди. Бу ҳар биримизни ташвишлантириши лозим. Зеро, “Она табиат” деган жумла бежиз айтилмаган. У биз учун муқаддасдир. Табиатга фақат даромад манбаи сифатида карамаслигимиз, аксинча уни асраб-авайлашимиз керак. Токи келажак авлодларимиз ҳам мавжланган дарёлар гўзаллигидан баҳра олсинлар.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## КИЧИК НОВВОЙХОНА

**керамик иситкичларда**
(тандир усулида)

**Ишлаб чиқариш ҳажми, бир соатда:**

1) Нон (лепёшка) — 60 та.
2) Булочкалар 15x15 см. — 108 та.
3) Сомса 12x12 см. — 128 та.
4) Пицца 45x45 см. — 20 та.

**Электр энергияси истеъмоли сарфи** — 8.4 кВт.

**Ёнғинга хавфсиз, кучланиш ўзгаришига мослаштирилган (фаза номутаносиблиги).**

**12 ойлик кафолат.**

**5 йил бепул сервис хизмати кўрсатилади.**

**Нархи 10 миллион 950 минг сўм.**

**Мурожаат учун телефонлар: 95-169-68-51, 71-279-38-54.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 726 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6